

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 89 (10.142)

2004 йил 11 май

## ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ – ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

**XXI аср**  
Барча мамлакатлардан  
олижант сўғити хабарлар

**Юртбошимиз Фармони билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган 9 Май мамлакатимизда мустақиллик йилларида Инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида тажассум этган муҳим тарихий санага айланди.**



Маъмур байрам бу гал Меҳр ва мурувват йулида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакорр маънавий неъматини, тириклик мезонларидир. Меҳр ва Мурувват — Хотира ва Қадр тушунчаларидан айро эмас. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойий юртдошлари, ёруғ келажак йулида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажак йулида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш, бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ургатади. Зеро, Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ. 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жангҳоқларда жон берган ватандошларимиз номлари абадиятга муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари уларнинг сиймоси мангуликка дахлдор эканини сукут билан тасдиқлаётгандек. Фамгузор Она киефсадида изтироби, шу билан бирга улугвор умид акс этган...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Бугун халқимиз ўзининг инсоний бурчини адо этиб, уруш йиллари ўз юрти ва яқинларини, жонажон Ватанини ҳимоя қилиб ҳалок бўлганларни, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаганларнинг хотираси олдига бош эгади, — деди Ислоҳ Каримов журналистлар билан сўхбатда. — Шу билан бирга, бугун бағ' бўлган, орамизда яшаётган уруш катнашчиларини, барча фахрийларни қадрлашимиз даркор.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион киши яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда қатнашган. Агар аҳоли сонидан воёга етмаганларни, аёллар ва қарияларни чиқариб ташласак, 50 фоиз, яъни 3 миллион нафарга яқин қурол тутишга қодир кишининг ярми урушга кетгани аён бўлади.

420 минг киши урушдан қайтмаган. 640 минг нафар ватандошимиз жароҳат олган. Таассуфки, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган юртдошларимиз сафи йилдан-йилга сийрашмоқда. Утган бир йил мобайнида беш ярим минг нафар уруш қатнашчиси вафот этди. Айни пайтда мамлакатимизда уларнинг сони қирқ минг нафардан ортмайди. Шундай экан, бу дунёда нафақат кексаларимизни, балки бир-биримизни явайлаб-ардоқлаб, қадримизга етиб яшашимиз лозим.

Ўзбек халқи ҳеч қачон бировга бош элмаган,

ҳеч қимдан кам бўлмаган ва ҳеч қимдан кам бўлмайди ҳам. Бунга тарихимиздан қўлаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бутун дунёга хавф солаётган терроризм балосига қарши курашда ҳам халқимиз жаҳон ҳамжамиятининг олдинги сафларида. Ҳозирги таҳлилки замон, кечагина бошимиздан ўтказган террорнинг қонли оқибатлари кишиларимиздан мудом огоҳликни, ҳар қандай хавфга қарши бир тану бир жон бўлиб курашишни тақозо этмоқда. Биз ўз қадримизни ўзимиз биламиз — кучимиз ва қудратимиз ҳам шунда.

Бу ҳақда Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида батафсил фикр юритди.


Яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ўтғирсида гапирганда бир нарсасига алоҳида эътибор бериш зарур. Адашганлар бор, уларни нотўғри йўлга бурган, гаразли мақсад сари бошлаганлар бор. Аввало уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Адашиб, ёт кўчлар таъсирига тушиб қолган, қилмишидан астойдил пушаймон бўлган ёшларни, агар уларнинг ота-онаси, маҳалла-қўй, ўз қафиллигига олса, кечирамиз. Халқимиз бағрикенг, кечирими, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари шу ерда бир гуруҳ ёзувчилар ва олимлар билан ҳам сўхбатлашди. Бунда, асосан тарихимизнинг илдизлари узок асарларга бориб тақалиши, уни теран ва холис таҳлил этишимиз, буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз матонати ва жасоратидан урганишимиз, тегишли хулосалар чиқаришимиз лозимлиги хусусида сўз борди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Ягона юртимизни, фарзандларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, Ватанимиздаги тиңчилик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар ва нималар билан фахрланишимиз мумкин?» деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бориши зарур, деди Ислоҳ Каримов.

Ёшларимиз, заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбидан шу юрт, шу халқ билан гурурланиш, унинг келажак, фаровонлиги йулида қайғуриш, куюнчақлик ҳислари чуқур илдиз отмоғи лозим. Зеро, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг фарзанди шу миллатни, шу халқни улуғлаш учун яшashi керак. Ана шу туйғуни қалбига жо қилган, шу ёғ атрофида бирлашган халқни ҳеч қандай куч енголмайди.

Улуғ аждодларимизга хос бўлган савоб ва эзгу ишларни ҳамиша, ҳар қуни қилмоғимиз шарт. Саховат ва мурувват билан юрт обод, кўнгиллар шод бўлади. Шу тўғайли эл-юрта кутбараканади. Азалий анъаналаримизни мустаҳкамлаб, бойитиб, ривожлантириб борганимиз сари замон, жаҳон, тараққийпарвар инсоният



танлаган қадриятларни ҳам ўзимиз учун уйғунлаштиришда давом этишимиз зарур.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Э. Воҳидов, А. Орипов, олимлар Х. Шайхова, Д. Алимова ва бошқалар кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

«Хотира китоби»нинг зарҳал варақларидан жангҳоқларда жон берган қуролдошларнинг номларини кўздан кечираётган уруш катнашчиси, кекса шоир Назармат бундай дейди:

— Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган бу зиёратгоҳга келганимда ҳар гал вужудимни ҳаяжон чулғайди. Душман ўқига ураб, умри ҳазон бўлган тенгдошларимни, юртдошларимни қалбда изтирор, кўзда ёш билан хотирлайман. Бошқа жиҳатдан, уларнинг номлари мана шундай эъзоз билан абадиятга муҳрланганидан, қадр топганидан таскин топаман. Инсон хотираси қадр топган бу юртни бошимизга кўтариб яшашимиз керак. Зеро, ҳар қандай балоқазоларни енгиб ўтишнинг ягона йули ҳам халқимизнинг жиқлигида, аҳиллигида. Бу сўлим гўша наинки пойтахт, балки мамлакатимизнинг барча кишлоқ ва шаҳарларидан келган зиёратчиларнинг севимли қадамжосига айланган.

— Отам урушга кетганида мен олти ойлик гўдак бўлган эканман, — дея маъзун хотираларини сўзлайди Қашқадарё вилоятидан келган Турсунқул Жўраев. — У кишидан на хат-хабар, на қабр қолган. Ҳар йили баҳорда Хотира майдонига фарзандларим билан келиб отамни хотирлайман. Исми шарифи ёзилган «Хотира китоби»ни варақлаб, отамнинг руҳи покларни ҳамиша биз билан бирга эканини ҳис қиламан. Болаларим, невараларимга бизнинг дориламон кўнларимиз учун курашда қурбон бўлганларни ҳамиша хотирлашни, тирикларни қадрлашни насихат қиламан.

Ҳа, маъзур муқаддас майдон наинки, Хотира ва Қадрлаш куни, балки, йил-ўн икки ой одамлар билан гавжум. Бинобарин, одамлар бу ерга томоша учун келмайди. Утганларни хотирлайди. Бу эса бугунги кунги тиң, фаровон ҳаётни қадрлашга ундайди. Чунки бу майдонга келган ҳар бир инсон қалбига Ватанини ардоқлаш, уни кўз қорачи-гидек асраш лозим, деган эзгу туйғу жуш уради. Зотан, шу азиз Ватан барчамизники, уни балоқазолардан, турли ёвуз кўчлардан мардона ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир...

Шу кун Мотамсаро она хайкали пойи баҳор ченақларига бурқанди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

**Норали ОЧИЛОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси  
Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА)  
олган суратлар.**

**Мамлакатимизда**

• Юртимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикасининг иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт масалалари бўйича федерал вазири Хайдемари Вичорек-Цойль бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Фаниев билан учрашди.

• Тошкентдаги Марказий офицерлар уйида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийлари билан учрашув ташкил этилди.

• «Шўртаннефтьгаз» унитар шўба корхонасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши ўтказилди.

• Бухоро шаҳрида Хотира ва Қадрлаш куни арафасида янгидан қирой очган Улугбек боғи фойдаланишга топширилди.

• Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот туманида бунёд этилган «Ийчиликгаз» корхонаси бир кеча-кундузда 220 тонна газ конденсатидан олтимши фойз бензин, ўттиз фойз дизель ёнилғиси ва ўн фойз керосин ишлаб чиқаради.

• Ўзбекистон Баддий академияси Марказий кўргазма-демонстрация залида мусавир Янис Салпинкиди асарлари кўргазмаси очилди.

• **Жаҳонда**

• Грознийдаги «Динамо» стадионида кучли портлаш оқиботи бўлди. Натижада 14 киши ҳалок бўлди, олтимшига яқин одам жароҳатланди. Ҳалок бўлганлар орасида Чеченистон Президенти Аҳмад Кодиров ҳам бор.

• Германиянинг Ротенбург шаҳрида Sasa компьютер вирусини яратиб, қиска муддат ичида юз минглаб компьютерларни зарарлантирган компьютер хахери қўлга олинди.

• Украинанинг Мелитопол шаҳри яқинидаги ҳарбий омборда уч кундан буён чиққан ёнғини ўчиришнинг иложи бўлмапти. Кучли ёнғин ва снарядларнинг ботма-бот портлаши натижасида 5 киши ҳаётдан кўз юмди, 4 киши жароҳатланди. Ёнғин 8,5 миллион долларлик зарар келтирди.

• Машхур заргар Карл Фаберже томонидан тайёрланган 100 миллион доллар қийматидаги 10 та олтин пасха тухумлари Россияга қайтарилди. Шу тариқа Россиядаги Фаберже томонидан тайёрланган бебаҳо тухумлар сони 19 тага етди.

**Пойтахтнинг бир кунни**  
Янгиликлар, воқеалар

**Киска**

● **АБДУЛЛА** Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг 14-сессиясида белгилаб олинган вазифаларни амалга ошириш йўл-йўриқларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **БУГУН** «Туркистон» саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг «Камалак» болалар ташкилоти сафига шахримиздаги умумтаълим мактаблари 1-синф ўқувчиларини тантанали қабул қилиш ҳамда 2003-2004 ўқув йилида фаол бўлган мактаб «Камалак» сардорларини тақдирлаш мақсадида ташкилотнинг III анжумани ўтказилди.

● **БУГУН** «Ўзбекистон — кўшиқ байрами» кўриктанловининг Хамза туман босқичи ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** таълим марказида соғлом ва ногирон болаларни бирга ўқитиш масаласига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Халқ таълими вазирлиги мутахассислари, нодавлат, нотижорат жамоат ташкилотлари ва киллари иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитасида эколог олимлар, табиатшунослар, журналистлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш оммавий ахборот воситаларида атроф муҳит ва экологик мавзуларнинг ёритилиши масаласига бағишланди.

● **РЕСПУБЛИКА** талаба ёшлари театр-студияларининг «Нихол» фестивали ниҳоясига етди. Фестиваль голиблари тақдирланди.

● **ШАХРИМИЗДА** «Ижод парвози» шиори остида ташкиллаштирилган кинофестиваль якунланди. Маннон Уяғур номли Санъат институтида кинофестиваль голиблари тақдирланди.

● **ЎРТА** махсус касбхунар таълими марказида педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорлик битими имзоланишига бағишланган тадбир уюштирилди.

● **«СОҒЛОМ** авлод учун» халқаро хайрият жамғармаси ташаббуси билан Франция ва Украинада уюштирилган ёш муסיқачилар кўрик-танловларида қатнашиб совринли ўринларни эгаллаган ҳамшаҳарларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз мухбиримиз

Буни англаган, мустақиллигимизни, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини, миллатлараро тотувлиқни, энг муҳими, тинчлик-осойишталигимиз ва тараққиётимизни кўролмаётган қораниятли кучлар ўта маккорона ва ёвуз йўллар билан юртимизда беқарорлик келтириб чиқаришга уринмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажариш, аввало ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг жиқслигига, кучли иродасига боғлиқ.

Хўш, барчамиз ҳам ана шу ҳақиқатни англаб етайлигимизми? Ақидаларастик ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг муқаддас бур-

чимиз эканлигини тўла тушуниб етдикми? Бу борада амалга ошираётган тадбирларимиз қутилган натижаларни беряптими? Лоқайдлик ва бепарволик иллатла-

мун-моҳиятини теран англаши, террорчиликка қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиши фуқаролик бурчи эканини сидқидилдан тушуниб етиши зарурлигига жиддий эътибор қаратилди. Зеро, Юртбошимиз уқтирганидек, бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Бу машғум офат мени четлаб ўтади ёки сен менга тегма - мен сенга тегмайман, деган хомхалларнинг умри узоқ бўлмайди.

Танқидий ва таҳлилий фикр-мулоҳазаларга, амалий таклиф ва тавсияларга бой бўлган йиғилишда миллати, эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат, эл-юрт тақдирини ва истиқболга дахлдорлик туйғусини камол топтириш, ёшлар орасида олиб борилаётган тушунтириш ва тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва тасвирчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олдинди.

ЎЗА

**ЭЛ-ЮРТ ИСТИҚБОЛИГА  
БАРЧАМИЗ ДАХЛАДОРМИЗ**

Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Республикаимизда уларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланган, ривожланиши учун шароит яратилган. Айни чоғда юртимизда 137 миллий-маданий марказ эмин-эркин фаолият кўрсатиб турибди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, истиқлол шарофатидандир.

рини бартараф этиш учун яна нималар қилишимиз керак?

Республика Байналмилал маданият маркази жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ана шундай долзарб масалалар ҳақида сўз борди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг зикр этилган нутқида баён қилинган вазифаларни бажариш асносида ҳар бир инсон жамиятдаги ўрни ва мавқеидан қатъи назар, содир бўлаётган воқеаларнинг маз-



**ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ  
ПАРИСИ БОР**

Маҳаллалар — қадриятларимиз ўчоғидир. Юртимиздаги барча байрамлар ва қутлуг кунлар маҳаллаларимизда кенг ва файзли тарзда нишонланади.

Хусусан, Хотира ва Қадрлаш кунини ҳам шахримиздаги бир қатор маҳаллаларда II жаҳон уруши жанггоҳларида жон олиб, жон берган, уруш пайтида меҳнат frontiда жавлон уриб ғалабани яқинлаштирган, умуман, бизнинг тинч-осойишта ҳаётимизни таъминлашга ва Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган табаррук нурунларимиз эъзозланди.

Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласида эса Хотира ва

Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маърифий-бадиий тадбир «Қадр топган қариллик» деб номланди ва унга маҳаллада истиқомат қилаётган барча уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

Хотира кечасини кириш сўзи билан очар экан, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг раиси Рихситилла Акромов ёруғ кунларга етишимиз йўлида жонини тиккан инсонларнинг айримлари орамизда йўқлигини таъкидлаб, уларнинг пок руҳлари ёди

доимо дилимизда бўлиши, бугунги энг катта бойлигимиз эса уруш катнашчилари бўлиб, уларнинг кадр-қиммат ва ҳурматларини жойига қўйишимиз лозимлигини айтиб ўтди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов Хотира ва Қадрлаш кунининг моҳияти ва унинг нишонланиш тарихи хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Сўнг неварра-чеваралари ардоғидаги уруш ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга пул мукофотлари топширилди.

Мумтоз қўшиқлар эса тадбирга ўзгача файз бахш этди.

(Ўз мухбиримиз)  
**СУРАТЛАРДА: маҳаллада ўтган тадбирдан лавҳалар. Ҳакимжон Солихов олган суратлар.**

**ФАХРИЙЛАРГА  
СОВГАЛАР ТОПШИРИЛДИ**

Жорий йилимизнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан жойларда қатор тадбирлар, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

лашган 31-кўзи ожизлар, 103-мактаб-интернат ва 30-меҳрибонлик уйлари ҳам кераклар ва зарур жиҳозлардан иборат совғалар туپлами топширилди.

— Ишбилармон ва тадбиркорларни жамлаган партияимиз яқинда ташкил топган бўлса ҳам ҳозирги кунда 3000 дан ортиқ аъзога эга бўлиб, унинг 300 дан ортиқ бошланғич ташкилотлари тузилди, — деди жумладан тадбирда сўз олган партиянинг шаҳар Кенгаши раиси Нурилла Насимов. — Асосий мақса-

димиз жамиятимизда мулкдорлар синфи ҳисобланган тадбиркор, ишбилармон, уддабурро одамларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, юртимиз раванқи учун муносиб ҳисса қўшишларига шарт-шароит яратиб беришга кўмаклашидир. Шундан сўнг янги партияга қабул қилинган аъзоларга тантанали равишда партия билетлари топширилди.

Тадбир иштирокчиси бўлган 88 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Бердиму-

род Холмуродов исми отахонни суҳбатга тортдик: — Замонамиз тинч бўлсин, болам, — дедилар отахон, ўтган оғир кунларни эслаб, — биз уруш қийинчиликларини бошимиздан кечирдик, фарзандларимиз уни асло кўрмасинлар, тинчлигимизнинг қадрига етиб, мустақиллигимизни асраб-авайлаш лозим. Ахир бу кунларга осонликча етиб келингани йўқ, кимлар етди, кимлар етмади. Бизга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтирдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Тадбир давомида санъаткорлар ижросида янграб турган мумтоз наволар кўнгилларида илиқлик бағишлаб «Танишув тадбиримизга марҳамат» деб номланган ушбу кечанинг янада кўтаринкилик билан ўтишига хизмат қилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**Маълум**

**АМАЛИЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ**

**«Ўзбекистонда замонавий дизайн, муаммолар ва ривожланиш тенденциялари» деган мавзуда республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Бадий академияси билан Камолитдин Бехзод номидан миллий расмчилик ва дизайн институти ҳамкорлигида уюштирилган бу анжуманда дизайн соҳасида илмий изланишлар ва педагогик фаолият кўрсатаётган мутахассислар, моҳир дизайнерлар қизиқарли маърузалар билан қатнашдилар. Бу чиқишларда мамлакатимизда дизайн йўналишини янада ривожлантиришнинг амалий аҳамияти масалалари кенг ёритилди.

Олий ўқув юрти семинар материалларини илмий тўплам қилиб чоп этишни ҳам режалаштирди.

**ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАРИ**

**Осиё ривожланиш банки мамлакатимизда экологик таълимни тараққий эттиришга ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу нуфузли банкнинг «Умумий таълим мактаблари учун дарсликларни чоп этишни такомиллаштириш» дастури доирасида ҳам қатор муҳим маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Экология йўналишида босмага тайёрланаётган адабиётларни яратишда ҳам ушбу дастур қўл келмоқда. Банк Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги тизимидаги «Биоэкосан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси билан ҳамкорликда «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида етти сабоқ», «Экология алифбоси» ўқув қўлланмаларини чоп эттирди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу нашрлар Осиё ривожланиш банкининг кредит маблағлари ҳисобидан чиқарилди.

Янги қўлланмалар экология йўналишида яратилган энг яхши ўқув адабиётлари сифатида баҳоланди.

**СИНАШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛДИ**

Таълим тизимида вариатив дастур ва ўқув қўлланмалардан кенг фойдаланилмоқда. Бундай ўқув адабиётларига бўлган талабни қондириш мақсадида мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув методика маркази томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вариатив дастур ва ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича республика танловининг ўтказилиши ҳам айтиш мумкин бўлди. Ана шу жиддий ижодий кўрикка яқин чиқарилди. Тўққиз йўналиш бўйича уюштирилган бу танловда Тошкент шаҳридан ҳам бир неча ишларна тақдим этилди. Чилонзор туманидаги 34-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Муяссар Файзуллаева изланиши эса танловнинг учинчи ўрин совриндорлигига сазовор бўлди.

«Конституция сабоқлари» деб номланган бу адабиёт ғойиб деб топилган бошқа дастур ва ўқув қўлланмалари янглиғ тажриба майдончаларидангина синаш учун тавсия этилди.

**Ақбар АЛИЕВ**

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган тадбиркорликнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида бир неча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, фермер ҳўжаликлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, хусусий мулк тўғрисидаги қонунлар амалда ўз ифодасини топмоқда. Лекин хусусий корхона кўринишидаги мулкчиликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилувчи алоҳида қонун йўқ эди ва ушбу йўналишдаги тадбиркорлик Вазирлар Маъкамаси қарори билан 1995 йилда тасдиқланган низоом асосида татбиқ этиб келинган. Янги «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши эса долзарб ва даврнинг талабига мувофиқдир.

Жаҳон амалиёти шунини кўрсатадики, тадбиркорлик ҳаракатида мулкни яқка, яъни бир киши бошқарадиган хусусий корхона энг самарали ва қулай усулдир. Бу борада бизнинг мамлакатимизда ҳам муайян тажриба орттирилган ва буни авваломбор рақамлар тасдиқлайди. Бугунги кунда хусусий йўналишдаги корхоналарнинг худудий ички махсулотдаги улуши бозор иқтисодиётига ўтишининг дастлабки йиллари билан таққослаганда сезиларли даражада юкорилаган. Бу эса хусусий тарзда бизнес билан шуғулланувчилар сони кун сайин ортиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга ислохотлар жараёнининг ҳар бир босқичида янги вазифалар ва устувор йўналишлар белгиланишини инobatга ол-

ган ҳолда ривожланиш соҳаларида муаммолар, камчиликлар ҳамда айрим тўсиқлар юзга келаётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Уларнинг бартафат этилиши эса асосан қонуний негизни такомиллаштириш билан боғлиқ эканлиги ҳам сир эмас. Семинарда сўзга чиққан Бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти

ўтган бўлса ҳам, мазкур семинарни ташкил этиш зарурияти туғилди, зеро ҳаттоки мутахассислар, жумладан солиқ, банк, адлия, бошқа айрим тузилмалар ушбу қонуннинг айрим моддаларини амалга оширишда қийинчилик, яъни тушунмовчиликларга дуч келмоқдалар. Чунонки, семинарда, масалан, агарда мулкдор бюджетга

тарзда тушунилиши керакми ёки... Семинарда ушбу саволга сўнгги нуқта қўйилгани йўқ, уни ваколатли мутахассислар томонидан чуқур ўрганиб чиқиб, бу ҳақда изоҳ оммавий ахборот воситалари орқали алоҳида маълум қилиниши ҳусусида келишилди.

Мулкдорнинг ўзи хусусий корхонага яқка муассис бўлиши сабабли корхонани қайта рўйхатдан ўтказиш масаласига ҳам аниқлик киритилиши талаб этилади. Янги қонун қабул қилинишига қадар, мулкдордан ташқари, хусусий корхонага бошқа шахс ҳам муассислик қилиши мумкин эди. Шу боисдан мавжуд хусусий корхонанинг яқка бошқарувчи томонидан таъсис этилиши уни қайта рўйхатдан ўтказишни тақозо этади, лекин бу жараёнда меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тартибий ёндошув зарур. Ушбу масала қонун чиқарувчи орган ваколати доирасида кўриб чиқиш учун ҳавола этилиши кўзда тутилаётир.

Семинарда шунингдек, айтилган мутахассислар, тегишли тузилмаларнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу — «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг мақсад ва вазифаларини тадбиркорларга кенг тарзда тушунтириш кераклиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан яқин орада мазкур Қонунни кўпчиликка маълум кўринишда тушунтириш мақсадида савол-жавоб тарихида китоб чоп этилиши режалаштирилган. Семинарда палатанинг бу борадаги ташаббуси кўпчилик томонидан эътироф этилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

*Долзарб мавзу*

**МУЛҚДОР МАНФААТИНИ ҚОНУН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ**

**Шу йилнинг январь ойдан хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши борасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун жорий этилди. Қуни кеча Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинар мазкур Қонуннинг долзарблиги, унинг моҳияти ва мақсадлари, амалга татбиқ этилиши масалаларига бағишланди.**

директори ўринбосари Бозорбой Беркипов таъкидлаганидек, «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун биринчи навбатда авваломбор хусусий корхонани бошқараётган яқка мулкдор манфаатини ҳимоя қилишда асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиши зарур. Нима учун бўлган эмас, «бўлиши» керак? Чунки, олим таъбири билан айтганда, бошқа айрим қонуний ҳужжатлар каби, «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши узок вақт давом этади. Мазкур қонун атғиси олти банддан иборат бўлсада, бироқ ҳар бирининг мазмунини моҳиятидан келиб чиқиб, ҳали чуқур ўрганишга тўғри келадиган ва бу фақатгина тадбиркорлар томонидангина амалга оширилмайди, албатта.

Қонун жорий этилганидан буён деярли беш ой

нисбатан боқимандаси вузудга келганда қай йўсинда қонун олдида жавобгар бўлади, деган савол кизгин ва узок муҳокама этилган. Қонунда бу борада «хусусий корхона мулкдори қонуннинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий қонуннинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулки билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиялар жавобгар бўлади», деб ёзиб қўйилган. Жойлардаги солиқ идоралари вакилларида «...қонуннинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда», деган ибора низоли баҳсларни келтириб чиқараётгани аён бўлди. Бу эса бежиз бўлмаска керак, нега деганда мулкдор «агарда вазият тақозо этса, нафақат хусусий, балки ўз бўйича шахсий мулки билан ҳам масъулият олади ва бу масъулиятни бажариши шарт», деган

— Фестиваль интирокчиларининг саҳна ва музика асарлари ҳусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Масалан, «Фрида Капонинг номаълум портрети» спектакли машҳур Мексика мусаввири Фрида Капо ҳаётига бағишланган бўлиб, шеърят ва театр санъати воситасида инсон қиёфасини очиб берилишининг эркин намунаси десак адашмаймиз. Марк Люпонт кўп йиллар Иордания, Сурия, Ироқ ва Туркияда бўлиб, уд чолгу асбобининг сирларини ўрганиб, ўзига хос музикаий асарлар яратган. Фестивалда укаси Томас билан бирга ана шу бетакдор музикаларни ижро этади. «Янги Эссеён» театрининг назм ва қўшиқлар кабареси номининг ўзи ҳам театрининг йўналишини кўрсатиб турибди. Театр француз тилида ижод қилувчи муаллифларнинг номаълум пьесаларини саҳналаштиришига ихтисослашган.

«Ах, ах бум, трах» спектакли воқеалари эса оддий ҳовлида ақа-укалар ўртасида кечали ва улар кўп келишмовчиликлардан сўнг ҳаётнинг асоси аҳиллик ва тотувликда эканлигини тушуниб этади.

Фестиваль доирасида журналистлар учун мунозаралар клуби фаолият кўрсатади. Бу ерда ўзаро фикр алмашиш, спектакллардан сўнг актёрлар билан учрашиш ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**  
сўхбатлашди

*Фестиваллар*

**ЁШЛАР САНЪАТИ НАМОЙИШИ**

**Бугун шаҳримиздаги Ўзбекистон Ёшлари театрида «Хумо» IV халқаро ёшлар театрлари, музика ва рақс фестивали бошланади. Ушбу йирк маданиятнинг арафасида биз фестивалнинг моҳияти, унинг интирокчилари ва дастури тўғрисида Ўзбекистон Ёшлари театрининг адабиёт бўлими бошлиғи Дилафруз Абдураҳмонова билан мулоқотда бўлдик.**

— Дилафруз, сўхбатимиз аввалида фестивални ўтказишдан кўзда тутилган мақсад ва унинг ташкилотчилари ҳусусида тўхталиб ўтсангиз.

— «Хумо» халқаро ёшлар театрлари, музика ва рақс фестивалига 1998 йилда асос солинган бўлиб, энг қизиқарли спектакллар, музикалар билан мухлис ва мутахассисларни таништириш, ўзаро тажриба алмашишга йўл очиб, санъат оламига кириб боришдек хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилган. «Хумо» фестиваллари доирасида қўлпал долзарб мавзулардаги тилга тушган саҳна асарлари, жумладан гивандликни қораловчи ўзига хос талқиндаги спектакллар намойиш этилган. Биз ушбу анъанани давом эттириш ниятидамиз.

Франция, Исроил ҳамда Германиянинг мамлакатимиздаги элчионалари қўмағида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси

ушбу ёшлар фестивалининг ташкилотчиларидир. Фестивалнинг бадий раҳбари Ўзбекистон Ёшлари театри раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдураҳмонов.

— Қайси ижодий жамоалар фестивалда ўз санъатларини намойиш этишади?

— Анжуман 11 майдан 27 майга қадар давом этади. Мухлислар Франциянинг «Янги Эссеён» назм ва қўшиқлар кабареси, Марк ва Томас Люпонт (Франция)нинг уд чолгу асбоблари концерти, Германиянинг Дрездан шаҳридаги Янги авлод театрининг «Аллегрия — Фрида Капонинг номаълум портрети» спектакли, Исроилдаги Яффо театрининг «Ах, ах бум трах» саҳна асаридан баҳраманд бўлишлари мумкин.



Шунингдек, Ўзбекистон Ёшлари театрининг «От қиссаси» ва Й.Охунбоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг «Дала сайли» спектакллари ҳам фестивал давомида намойиш этилади.

### Шаҳрим — фарғим ХАЙРЛИ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Муаззам гўша — азиз пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги чиройига, мислсиз гўзаллигига қараб кўзлар қувнади. Нафақат салобатли ва муҳташам иморатлар, балки кўчаю хибонлар, майсазору бог-роғлар, гулу гулзорлар шаҳримиз чиройини юз қандон ошираётганидан барчамиз фахрланамиз ва ҳар биримиз бундай эзгу ишга ўз ҳиссамизни қўшишга интиламиз.



Шуниси эътиборлики, пойтахтимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкчалмазорлаштириш ишлари илмий ёндашгани ҳолда, ландшафт меъморчилиги асосида олиб борилади. Бундан қўланган асосий мақсад гўзал ва бетакрор, юксак замонавийлик асосида яшашга ва яшарайётган пойтахтимиз хавосини янада мусоффо этиш, кўркамчилиги жаҳонга ҳам кўз-кўз қилиб, дунёда донги кетган шаҳарлардан асло қилишмайди қиёфада ҳаммаша ушбу чиройдан баҳра олишдир. Албатта, майсазору гулзорнинг, кум-кўк ниҳолларнинг ажиб манзараси, фусункорлиги уларнинг ўз ўрнида ўсиши, дид билан жойлаштирилишига боғлиқ.



Нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз ландшафт меъморчилиги йўлида изланиб, янгиликлар яратишга интилаётган жомасалардан бири шаҳримиздаги «Тошкент газон маркази» масъулияти чекланган жамиятидир. 1995 йилда ташкил тогган ушбу жома бугунги кунга келиб ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан юксалди, десак асло муволажа бўлмайди. Аввалгига фақат газон (кўк майсаларни биуртма асосида етиштириб бериш билан шугулланган жома аҳли ҳозирда Европа талаблари асосидаги газонларни тайёрлабгина қолмай, балки объектнинг «калитини топшириш» усулини самарали қўлланади. Бунда биуртмалар аввало жойида ўрганилиб, мутахассислар ёрдамида лойиҳа тайёрланади. Лойиҳада эса хоҳ у кўча, хоҳ бино ён-атрофи, ҳоҳ хибон бўлсин янада кўркамлик кашф этиши, газонлардан ташқари экиладиган дараклар, ўриндик ҳамда дам олиш учун ўйинчолар, ҳатто сувиз ҳавзаларига асос этиши жаҳон андозалари даражасидаги изланишлар самарасидир. Шунингдек, марказда жорий йилдан бошлаб дўрадорлик чеки ҳам иш бошлаб ёғонни қайта ишлаш асосида турли ҳажм ва қўринишдаги ўриндик ва айвончалар қурилиши учун махсуслотлар тайёрланади.

— Асосий мақсадимиз ободонлаштириш ва кўкчалмазорлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш бўлиб, — дейди корхона директори Владислав Орлов, — биз бу юмушни республикамизда жаҳон андозалари даражасида,

лекин миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунликда амалга оширишга интиламиз. Россиялик ҳамкорларимиз билан алоқаларни мустақамлаган ҳолда иш юритиб, ҳозирда газонларнинг 16 хил уруғини олишга муваффақ бўлаётимиз.

мизнинг Афросиёб шохқўчасини ободонлаштириш, кўкчалмазорлаштириш ва янгича қиёфа қасб этишига мўҳим ҳисса қўшиш ниятида янги лойиҳа тайёрлаб беришди.

Корхона мутахассислари нафақат кўркамликни таъминлаш, балки яши дам олиш шартларини ҳам яратишни ҳаммаша ёдда тутишади. Ахир табиат гўзаллигидан баҳра олиб, озгина бўлсада хордик чикариш кайфиятини кўтарибгина қолмай, меҳнат унумини ҳам таъминлаши, шубҳасиз. Бу, айниқса корхоналар учун қўлай ва фойдали. Айни пайтда марказ ходимлари пойтахтимиздаги «Тошмаргет» хиссадорлик жамиятида ана шундай маскан бунёд этишмоқда. Шунингдек, уларнинг меҳнат маҳоратлари намуналарини пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь», «Узбекистон» меҳмонхоналари, Тошкент Давлат техника университети, Ташқи ишлар вазирлиги бинолари ободончилиги ва кўкчалмазорлаштирилишида қўриш мумкин. Бу ишларни амалга ошириш, янги технологиялар яратиш йўлида изланишлар олиб бориш, замон билан ҳаммафас бўлиш, ҳамкорларимиз мамлакатимизга ташриф биурадиган хорижий меҳмонлар дидини ўрганиш асосида янги лойиҳалар вужудга келмоқда. Жамоада 3 та гуруҳ дивизияларни бу вазифаларни амалга ошириш йўлида ўз салоҳиятлари билан ажралиб туради.

Хозирда марказ ўз фаолиятини ривожлантириш ниятида кўрғамалар зали ташкил этмоқда, дўрадорлик чеки кенгайтирилмоқда. Келгусида эса алоҳида бир маҳаллага эга бўлиб, у ерда ажиб бир манзара яратиш, ўз изланишлари, маҳоратларини намойён этиш ниятлари ҳам бор. Ана шу майдонда ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун керакли арча даракти қўчаларини ҳам ўстиришга аҳд қилинган. Уларнинг асл ниятлари ўз ишларини талаб ва андозаларига жавоб берадиган даражада сифатли адо этишдир. Марказ ходимлари «Йил бўйи гўзаллик бахш этсин» деган шорни дилларига ҳо қилган ва шу асосда меҳнат қилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: навбатдаги лойиҳа устида иш олиб боришмоқда; улар мана шундай гўзаллик ва қўлайлик яратмоқда.

Хакимжон Солиқов олган суратлар.

Ширкатлар фаолиятидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда кўпчилик «Яна ўша эски тос, эски ҳаммом, хизмат сифати паст, биуртмалар вақтида бажарилмапти, лекин тўловларни йиғишда ҳеч қачон кечиктирмайдим», сингари гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Турри, яшовчилар ишончини қозонаётган, улар билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб хонадон эгаларида мулкдорлик, эгаллик ҳиссини шакллантиришга мўҳим ҳисса қўшаётган уй-жой мулкдорлари кўлаб топилади. Лекин гуруч курмакис бўлмаганидек, аҳоли билан ҳамжиҳатлик у ёқда турсин, ҳали ўзларининг вазифаларини тўғри англамаган, шу боисдан ҳам ишлари яшовчилар эътирозига сабаб бўлаётган ширкатлар ҳам топилади. Шу ўринда бир савол туғилади: Ширкат нима ўзи? Ўз вазифасини тўлиқ убадлаётими? Ширкат бошқаруви раисини танийсизми?

Ушбу саволларга айрим кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи ҳамшаҳарларимиздан қўйидаги жавобларни олдик.

● Нодира МИРСОЛИХОВА, Сергели тумани: — Тўғриси, ҳали унинг илгариги ЖЭКдан фарқини англаб етолганим йўқ. Нега десангиз ҳали бирорта биуртгемиз ўз вақтида бажарилганини эслай олмайман. Шуниси қизиқки, фақат номи ҳамда раҳбари ўзгарганини ҳисобга олмасангиз, ходимлари ўша-ўша одамлар. Ширкат раисини эса бирор

марта бизнинг уйдан хабар олганини кўрганим йўқ. Ҳаттоки, ширкат тузилади, деб фақат кўл кўйдириб кетишди, холос.

● Раҳим НУРИДИНОВ, Миробод тумани:

— Ширкат тузилаётганда жуда катта ваъдалар берилади. Лекин фойдаланиш харажатларини тўлаймиз-у, сифатли хизматни ололмаймиз. Қилмайди деб айтолмайман, масалан ҳар йили тоимизини тўғри ширкатнинг икки-уч ёнгарчиликдан сўнг яна чакка ўзгеради. Унинг устига унинг «бирор номи» билан бўлса, ширкат раисига тушунтира олмай қийналасиз. Негаки у коммунал соҳадан умуман беҳабар одам. Пул тўлаймизу нимага сарфланишдан беҳабармиз. Уч йил мобайнида ҳали бирорта ўзгариш бўлгани йўқ.

● Ражаб СОҲИБОВ, Юнусобод тумани:

— Ширкатта бирлашиб жуда тўғри қилган эканмиз. Раисимиз ҳам ишчан, ҳам тажрибали одам. Аввал бошқарув ширкатнинг мақсад ва вазифалари аҳоли билан муштарак эканлиги тушунтирилди. Ҳар йили тўпланган пулларимиз нима учун сарфлангани, яна нималар қилиш ло-

зимлиги ҳақида ҳисобот беради. Хонадон эгалари ҳам қараб туришгани йўқ. Йўлақларни ораста сақлашда, ҳовлиларни ободонлашти-

бўлган муаммосини аниқ билади. Ўтган йиллар давомида ўз кучимиз билан бажарилиши мумкин ишларни ширкат ёрдами билан

### Ширкатларда СИЗНИНГ ҲИССАНГИЗ БОРМИ?

Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра ташкил этилган ширкатларнинг сони шаҳримизда бугунги кунда 400 тага яқини ташкил этади. Ана шу Қонунда уларга қўйидагича таъриф берилади: «Уй-жой мулкдорларининг ширкати ношироқ ташкилот бўлиб, битта ёки яқин, зич жойлашган умумий ер участкаси ва инфратузилма элементлари бир бўлган бир нечта уйда ёхуд уйнинг бошқа қисмларидан алоҳида кириш жойи бўлган, камида битта блок-секция ҳажмидаги мустақил қисмида турар жой мулкдорларидан камида ярмининг хоҳишига кўра, таъсис мажмуасининг қарори билан ташкил этилади».

ришда бамаслаҳат иш юритамиз. Айниқса, малакали ходимларнинг барчаси ширкатга аъзо бўлган уйларда истиқомат қилиши яхши самара бермоқда. Энг мўҳими эса ширкат раиси ҳар бир уй ҳолатини, ечилиши лозим

мулкотда бўлади. Ширкат ўз вазифасини тўлиқ удаллашни яшовчиларнинг эътиборига, ҳамжиҳатлигига боғлиқ.

● Фотима АҲАДОВА, Ҳамза тумани:

— Ширкат тузилган уйларимизда катта ўзгаришлар бўлди. Йўлақларимизга темир эшиклар ўрнатилди, болаларимиз учун майдончалар қурилди. Ингилишларда айрилган фикр-мулоҳазаларимиз эътиборга олинади. Шуниси эътиборлики, агарда хонадон эгалари йўлақларни ўзлари таъмирлашса, фойдаланиш харажатлари тўловдан имтиёзлар берилади. Ширкат раисини ҳамма танийди. Чунки у уйларни тез-тез айланиб чиқади, яшовчилар билан мулоқотда бўлади. Ширкат ўз вазифасини тўлиқ удаллашни яшовчиларнинг эътиборига, ҳамжиҳатлигига боғлиқ.

● Шаҳноза МУРОДОВА, Шайхонтоҳур тумани:

# УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

— Истеъмолчиларга энг аввало шуниси эслатиб ўтиш лозимки, дудбуронли газ асбобларидан фойдаланувчи хонадон эгалари иситиш печлари, иситиш ва сув иситиш қозонлари дудбуронлари, шамоллатиш йўллари-нинг созланиши назорат қилиш, газ асбобларини хавфсиз ишла-тиш уларнинг ёки ушбу хонадондан фойдаланувчилар зимма-сида эканлиги Ўзбекистон Республикаси газ хўжалиги хавфсиз-лик қондаларининг бир қатор бандларида кўрсатиб ўтилган. Шунинг баробарида, республика газ хўжалигининг техник эксплуатация қилиш қондалари бандларида қайд этилганидек, газ асбобларининг дудбуронлари созлиги ҳақидаги далолатнома-ни ҳар йили иситиш мавсуми бошлангунга қадар яшаш уйлари, корхона ва умумий бинолар эгалари, хусусий уйларда эса хонадон соҳиблари газ хўжалиги идорасига топшириши керак.

## НОСОЗЛИКЛАРНИ ВАҚТИДА ТУЗАТИНГ

Албатта, ўтган мавсум сабоқларидан ҳулоса чиқарган ҳолда 2004-2005 йилги қиш мавсумига тайёргарлик ишлари эрта баҳордан бошлаб юборилди. Ана шу тайёргарлик даврида истеъмолчиларга қўлайлик яратишни кўзда тутиб, дудбурон ва шамоллатиш йўллари тешкирувчи ходимлар хонадонларда бўлиб далолатнома тузадилар. Кейин ушбу ҳужжат туманга идорасига топширилади. Шуниси эслатиб ўтишим лозимки, хонадон ташкир бу-юрган ходим аввало шахсий ту-воҳномасини кўрсатиб, дудбурон ва шамоллатиш йўллари соз ёки носозлигини аниқлайди. Агарда ҳаммаси соз ҳолатда бўлса далолатнома тузилиб, ҳақ тўланган квитанцияларни хонадон эгасига топширади. Текширув пайтида носозликлар аниқланса, ана шу газ асбобидан фойдаланиш тақиқланади.

— Носозликлар аниқланганлиги учун эса ширкат жавоб беришини айди.

Мен ҳам бўйи келмайдим. «Ахир, мен хонадоним иссиқ бўлиши учун сизларга ҳақ тўлайман, бунинг устига шартномани ҳам сизлар билан тўзганман», дедим. Шундан сўнг унинг бепарволигидан ҳамим чиқиб, хонадонимга кириб қўришини, ширкатдан вакил чакриб акт тузишини сўрадим. «Ахир нима учун иситилмаган хоналар учун мен ҳақ тўлашим керак. Бу борада ширкат айдорми, ҳақини ҳам ўзи тўласин», дедим. Ҳақини билан овера бўлиб кетган ходим эса «Бунинг бизга алоқаси йўқдан нарига ўтмади. Наҳотки, пул йиғинини билмасизу, нима учун йи-

уляти чекланган жамияти (тел: 98-63-82)га, «Олимжон» масъулияти чекланган жамияти (40-17-90)га мурожаат этишса, тажрибали мутахассислар носозликларни тўғрида беришади. Ушбу корхоналарга ўзингиз яшаётган туманга идоралари орқали ҳам боғланишингиз мумкин.

Носозликларни вақтида туза-тиш, таъмирлаш ишларини ўзларича эмас, балки мутахас-сислар кўмагида амалга ошириш содир бўлиши мумкин кўнгил-сиз ҳодисаларнинг олдини ола-ди. Шу боисдан буни ҳар бир истеъмолчи ёдда тутмоғи ке-рак. Шуниси унутмаслик ниҳоят-да зарурки, газ ёнаётган лойи-да сув буғлари ва ис гази ажра-либ чиқади. Бу эса инсон сало-матлиги учун хавфлидир.

## ҚўШНИЛАР ҲИСОБИГА ЯШАМАЙЛИК

Ақмак Икромов туманида Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни асосида ташкил этилган «Файзлик» ширкати аъзолари илк фаолиятини даъводаёқ ўз олдига «Қўшнилар ҳисобига яшамайлик» ширини қўйган.

Бу албатта, ширкатга аъзо бўлган барча хонадон аъзолари ўзлари яшаётган уйни авайлаб-асрашда, ресурслардан тежам-ли фойдаланишда, мулкдорлик ҳиссини чуқур англаш-лари, бинонинг умумий мулки ҳисобланган ертўла, йўлак, том, ҳовли-ларнинг намунали ҳолатини сақлаш, яхши хиз-матни ташкил этиш учун тўловларни вақтида тўлаб беришида ўз ақсини топмоғи керак.

Пойтахтимизда ташкил этилган ширкатлар орасида ушбу жоманинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, у битта турар жой биносини ўз тасар-руфига олган. Бунинг қўлай жи-ҳати — 9 қаватли бинонинг 36 та хонадонидан истиқомат қилу-вчилар бир-бирларини жуда яхши билишлари боис ҳам би-рорга муаммо пайдо бўлса, жой-ида ҳақ этиш имконияти бор. 4 кишидан иборат ширкат ходим-ларининг ҳар бири вазифалари-ни аниқ билишади. Хонадон

Шарофат БАҲРОМОВА ёзиб олди.

— Ширкат бору, раис йўқ. Бир йилдан буён шу аҳвол. Энди бизнинг 5 та уйимизни бошқа ширкатга бирлаштиришмоқчи. Кейин нима бўлади билмадим. Негаки ҳар ким ўз иши билан овера, уйларимизда эса муаммолар кўпайиб бормоқда. Кимга мурожаат этишни ҳам билмаймиз.

Ҳамшаҳарларимизнинг фикрларини тинглаб эканмиз, жойларда ширкат раис ва бошқару-ви аъзоларининг янада фаолроқ бўлишлари лозимлигини эслатишни ўринли деб билдимиз. Яшов-чиларга ширкат нимагини, унинг мақсади ба-рорбаридо аъзо бўлган хонадон эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш яхши самара беради. Чунки хонадон эгаларининг мажбу-риятлари фақатгина тўловларни амалга оши-риш эмаску. Улар ўзлари яшаётган уй-жойини, унинг ён-атрофларини авайлаб-асрашда, сақ-лашда, ободонлаштиришда фаол иштирок эти-ши, кўзланган мақсадга эришиш ҳам осонроқ бўлади, бизнингча. Бунинг учун эса сифатли хизмат билан биргаликда ўзаро мулоқотлар ҳам яхши самара беради. Шу ўринда юқоридаги жа-воблардан ҳам тўғри ҳулоса чиқармоқ даркор.

Азиз ҳамшаҳарлар! Ўзингиз аъзо бўлган шир-кат ривожига сиз қандай ҳисса қўшаёсиз? Ўзгаришлардан қўнғиликни тўлаётими? Шир-кат фаолиятини яхшилаш учун яна нималар қилиш лозим? Бу ҳақда бизга мактуб йўлланг, 133-45-84 телефонида кўнғироқ қилинг.

(Ўз муҳбиримиз)



Қонун — амалда

бўлиб, уни амалга оширишда ҳар бир мулкдорнинг фикр-му-лоҳазаларига эътибор қаратилади. Шуниси эътиборлики, ўтган йилда пойтахтимизда АҚШнинг Халқаро тараққий агентлиги (USAID) томонидан молияла-наётган Урбан институт (Тош-кент)нинг «Марказий Осиёда маҳаллий бошқаруви ривож-лантириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган танловда қатнашган «Файзлик» ширкати ғолиб то-пилиб, «Энг яхши ширкат» но-минини олди ва танлов ҳомиёл-ларнинг 10 минг долларлик гран-тинини қўлга киритишга муваф-фақ бўлди. Албатта, ушбу му-ваффақият барча ширкат аъ-золарини қувонтирди. Ширкат бо-шқарув аъзолари ва уй кенга-ши билан келишилган ҳолда ушбу маблағдан ўзлари истиқо-мат қилаётган маскан ободли-ги ва аҳолига қўлайликлар яра-тиш йўлида фойдаланишга аҳд қилинди.

— Ҳар қандай шартонда ҳам мулк, яъни турар жой биноси ўзимизники, — дейди ширкат бошқаруви раиси Нина Тоғай. — Шу боисдан ҳам уни обод этиш ҳам ёки қаровисиз қолди-риш зарар қўриш ҳам ўзимизга боғлиқ. Ширкат тузилаётган пайтда бу нарса ҳар бир хонадон эгасига тушунтирилган. Шунинг учун бўлса ке-рак, ҳамжиҳатлик са-мара бермоқда. Ютиб олинган грантдан са-марали фойдаланиб, ҳозирги кунда йўлак-ларни таъмирлаётимиз, каналзация ҳолатини яхшилаб, ертўлада ан-чагина таъмир ишла-рини бажаришга ки-ришдик. Менимча, битта уйдан ташкил



ташкил этиш, ободонлаштириш ишлари учун сарфланаётганини жуда яхши билишади.

Ҳар бир хонадон эгаси ўзи-нинг мулкдорлигини ҳис этпа-ни боис ҳам улар муштарак мақсад билан, яъни яшаётган уйлари билан биргаликда энг на-мунали уйлар қаторида бўли-шини исташди. Бунинг учун эса режалар дастури тузилган

Дилноза ФИЁСОВА СУРАТЛАРДА: ширкатда айтиш қувларда амалга оширилаётган ишлар тасвирланган.

## Ўқима СИЗГА НИМАНИНГ АЛОҚАСИ БОР?

Эндигина хонадонимизнинг залида иссиқлик йўқлиги ҳақида ширкатга кўнғироқ қилган ҳам эдимки, эшик кўнғирого жиринглади. Эшикни очганим билан қаршимда дағи қиз «Агар иссиқлик учун пул тўламақчи бўлсангиз пастга тушинг, машинада келган вакил пул йиғаяпти», деди. «Агар арзим бўлса-чи», дедим унга жавобан.

— Билмадим, тушиб сўрангчи, — деди у ва қўйган эдим. Лекин хонадонимнинг зал ва ошхона қисмида батареялар бир кўп иссиқ, бир ҳафта иссиқ-майки. Ширкатга кўнғироқ қилсам, «тўрилади»

Пастга тушдим. «Тошиссиқкуват» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Миробод тумани бўлиmidан келган ходим пул йиғабтган экан. Менинг арзим борлигини эшитган, қарзим бор-йўқлигини сўраб рўйхатни обдон текширдим, сўнгра ҳаммаси жойидалигига амин бўлгач, «энди гапиринг», дегандек қараб қўйди. Юқори-даги гапларини эшитган, уларнинг қаергага иссиқлик етказиб беришини, хонадонлар иссиқ-

гаётганингиз сизни қизиқтирмайди? Бераётган иссиқлик ва иссиқ сувингиз яшовчиларга етиб бораёптими, йўқми — наҳотки бунинг сизга алоқаси йўқ. Бўлмаса сизга нимаининг алоқаси бор? Албатта, ҳозирда иситиш мавсуми ҳам ниҳоят-да хавфлидир. Агарда ўша пайтда имконки бўлмаса, ундай ҳолларда, албатта, Тошкент шаҳар ёнғинга қўриқ кураш жамияти (тел: 65-98-55)га, шаҳримизнинг Циолковский кўчасида жойлашган «VERDA» хусусий фирмасига, «Бунёдор таъмирсервис» масъ-

уляти чекланган жамияти (тел: 98-63-82)га, «Олимжон» масъулияти чекланган жамияти (40-17-90)га мурожаат этишса, тажрибали мутахассислар носозликларни тўғрида беришади. Ушбу корхоналарга ўзингиз яшаётган туманга идоралари орқали ҳам боғланишингиз мумкин.

Миробод тумани, А.Фитрат қўчаси 40-уйда яшовчи хонадон соҳиб

Шарқ дурдоналари



ХИКОЯТ.

Бир кекса кампирнинг якка-ёлғиз ўгли бўлиб, у уйлангач, хотинининг сўзига кириб она-сига овқат берганда туртар, оёқ-сиз айтганда жеркар, волидасига ҳеч рўшнолик кўрсатмас экан. Вақти қазоси етиб, она вафот этибди, ўгли эса эл-юрт уртасида обрў-эътибор топмоқчи бўлиб онаси тобути устида гирён уриб йиғлабди, кейин ҳар маърақасида қозон-қозон ош далаб, элга едирибди. Бир кун она ўлинини тушида оқ кафанга ўралиб келиб, йиғлаб нола қилибди:

— Эй болам, мен учун энди азият чекиб ҳар хил маърақалар қилмай кўя қол, мен жаннатдам, — дебди, сўнг икки мисра мана шу шеърни айтибди:

**Тиргимда айламадинг мени дил шод, Улганимда хоҳ қилгин шод, хоҳ қилма шод.**

● Одамзод тириклигининг зийнати бир-бирини кадр-киммат қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиши билан безанади. Одатда, яхши одамлар иззатталаб, ҳақталаб, илтимос талаб бўлишмайди. «Мен мана бундай меҳнат қилдим, мен мана бундай иш кўрсатиб қўйганман», деб кўкракка урмайдилар, шон-шавақтларини кўтаришга аюҳаннос солиб, муқофот талаб қилишмайди. Яхшилар ҳалол меҳнатлари билан эл-юртга катта фойда келтириб, камтарона ҳаёт кечиравердилар. Ҳеч бир кадр-киммат, меҳр-оқибат кўрмайдилар, буни ўзлари билиб, ўзлари эзилдилар. Қазои муаллақ етиб келганда эса: «Ҳаёт шунақа экан-да», деб кўзга сўнгги ёшни оладилару бу дунёдан кетадилар. Олжаноҳ ва покдил бундай одамларнинг атрофида юрган баъзи калтафаҳм, нодон, худбин кимсалар уни кадрлашни, меҳр-оқибатни кўрсатишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Чунки пок одам ҳалол яшаган, худбинларга қўшилиб ҳаром емаган, уларга елпатаклик ҳам қилмаган. Қора юрак кимсалар тўғри ва ҳалол одамни ёқтирмай, ҳатто номини ёмон отликка чиқариш учун ҳамла ҳам қиладилар.

«Қилмиш — қидирмиш» деганларидек, қора юрак кимсалар кўп ўтмай ҳаётдан тегишли азоб ва жазони оладилар. Ачинасан, ачинасан, яхши одам кадрини тополмай кетганига ачинасан. Лекин, олтин коса сингани билан баҳоси паст бўлиб қолмаганидек, яхши одамнинг кадр-киммати ҳеч қачон йўқолмайди, номи ўқмайди. Дунёда яхшилар бор экан, ёмонлик голиб чиқолмайди.

ХИКОЯТ. Бир доно ҳақимдан одамлар сўрашди:

— Бу дунёда яхшилар кўпми, ёмонларми?

Дона ҳақим жавоб берди: — Дунёда яхшилар кўп, ёмонлар оз... Бир тасаввур қилинг. Бир челақ тоса сувга бир томчи қора сиёҳ тушса, ҳаммасини булгайди. Она табиат эса сувни ҳаволатиб, оқизиб, думалатиб, барибир қора сиёҳ доғидан тозалайди... Одамлар ҳам шундай, тозалик, поклик, софдиллик инсон табиатида олам охиригача туради, яхшилар борки, бу дунё гуллаб-яшнаб, омон яшайпти...

**Байт:**

**Боқаман кўзда эиё, мангу барқарор дунё, О, кенга кенгир дунё, торга эса тор дунё. Кимдир ҳаёт ошиги, баланд парда қўшиги, Суйганга суюк дунё, суймаганга тор дунё.**

Миллий боғда сайр қилишни, ҳазрат Навоийга ўрнатилган ҳайкал пойида хаёл суришни ёқтираман. Бир кун ҳайкал ёнида туриб шу ерлардан ўтган кишиларни, Тошкентнинг яқин тарихини ўйлаб кетдим. Ана, Олий Мажлисининг ҳашаматли биноси. Ана, Халқлар Дўстлиги номидаги Санъат саройи. Ана, Абдулқосимхон мадрасаси. Ен-атроф кўм-кўк, анвойи гуллар, манзарали дарахтлар экилган. Мана бу сув қадимги анҳор ўзанидан ҳамон оқмоқда. Қадимги «Янги маҳалла»ни хаёлда жонлангиршида мадраса — мўлжал. Мадрасани кўрдирган Абдулқосимхон, ул зотнинг аждод-авлодлари ҳақида Уткир Хошимов ҳаёти, ижоди тўғрисидаги

*Бир авлоқ тарихи*

**Мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент йилдан йилга салобатлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Қўшқават йўллар, миллий меъморчилик йўсинида қад ростлаётган қошона — саройлар, истироҳат боғлари, машҳур зотларга ўрнатилётган маҳобатли ҳайкаллар, тану руҳга ҳузур бахш этадиган анвойи фавворалар... Қизик, инсон хотираси ҳам қат-қат бўларкан. Юрасан, кўрасан, завқ-шавққа тўласан. Дафъатан, аввал шу ерлар қандай эди, кимлар яшаганини деган хаёл пайдо бўлади.**

# САДУЛЛА



китобимда ёзганман. Бу ерларнинг олти-миш йиллик тарихига гувоҳман. Бундан юз-юз эллик йил муқаддам шу ерларда яшаганлар авлоди билан хануз Дўмбробода бирга яшайман. Қолаверса, бобом, тоғам, холаларим, онам шу ерларда туғилиб воёга етишган. Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилган шу ерда бундан 150 йиллар илгари Тошмуҳаммад саллоқ оиласи истикомат қилган. 1873 йилда Тошмуҳаммад оиласида ўғил туғилди. Расм-русумлар адо этилгач, чақалокка Толиб дея исм қўйишди. Мўйлаби сабза уриши билан Толиб

ота тинимсиз ишлади, катта-катта бўлиб қолган ўғилларини зўр ғайрат билан ишлагач ундай бошлади.

Ўғиллар буй етишди, қизлар узатиладиган бўлди. «Янги маҳалла»даги, ҳозирги Навоий ҳайкали ўрнидаги ота мерос ҳовли торлик қилиб қолди. Толиб ота маслаҳатни бир жойга қўйиб дала ҳовлилари — Дўмбрободаги боққа бутунлай кўчиб кетди. Ер-сув бемалол... Дехқончилик, боғдорчилик қилса, мол-ҳол боқса бўлади. 30-йилларнинг ўрталарида Дўмбробод, Қозиробод, Чилонзорда ҳам жамоа ҳўжалиги ташкил бўлди. Толиб ота номдор эмасми, жамоа ҳўжалигига кирмасанг

ноғидан жарроҳлар ўқни қовлаб олган эдилар. Урушда Мажид ҳаммадан кўра кўп қийналди. Немисларга асир тушди. Қўчиб кетди. Оғир яраланди. Новдадакина рус кизи Мария бўлмаганида, унинг ҳамширалик тажрибаси қўл келмаганида Мажиднинг ўзга юртларда ўлиб кетиши тайин эди. Мажид Марияга уйланишга аҳд қилди. Халоскори, севгилисиз Марияни Толиб ота ҳузурига бошлаб келди, уйланишга изн сўради. Вазиятни тушунган Толиб ота кенглик қилди, ёшларга узоқ умр, бахтли ҳаёт тилади. Чиндан ҳам, Мажид ва Мария қўша қаришди, ўн бир ўғил-қизга ота-она бўлишди. Урушга ҳаммадан бурун кетган Самиг уруш тугаганига икки йил тўлган, тўлиб-тўшиб, куч-ғайрати жўшиб, капитан унвонидаги зобит бўлиб қайтди.

Толиб ота, унинг олтига ўғли ҳаётдаги ўз йўлларини топиб олдилар. Бутун оила 1948 йилда Кенжавойни харбий зиматни ўташга жўнатди. Толиб ота, унинг етти ўғли ҳақиқий эркакка лойиқ йўлни босиб ўтдилар. Ўғиллардан тўрттаси ота изидан кетди. Райим фабрикада, Мажид пойабзал фабрикасида, Кенжавой такси ҳайдовчиликда ўзини кўрсатди. Самиг Бекобод, Олмалик, Ангрэн, Андижон гушт комбинатларида етакчи вази-

отасининг ёнига кирди, қассоблик қила бошлади. Замон ўзгараётган, одамлар янгиланаётган эди. Майда корхоналар тузилаётган, кишилар касб-корига кўра ширкатларга уюша бошлаганди. Бешёғоч даҳасининг «Янги маҳалла»нинг дондор бойларидан Орифхўжа Азизхўжа ўғли беш-олти қассобнинг бошини қовуштириб кичик корхона ташкил қилди. Тошмуҳаммад саллоқ, унинг ўғли Толиб тажрибали ишчи ҳисобланарди.

Тошкентда машҳур Нобель концернининг шохобчаси очилди: керосин, фанар сотила бошланди. Немисларнинг ускуналари, «Зингер» фирмасининг тикув машиналари пайдо бўлди. Россиянинг Москов, Тула, Новгороддан асбоб-ускуналар кела бошлади. Бешёғоч билан Чорсу оралигидаги катта йўл тавмирланди, тош терилиб пўлат из ўрнатила борилди. Орифхўжа ҳам гимирлаб қолди. Бешёғочнинг адоғи, Бўрижар бўйига янги комбинат қуриш ишларини бошлади. Икки йилда янги дастгоҳлар, замонавий анжомларга эга корхона қуриб бирилди. 1907 йилда янги корхонанинг очилиш маросими бўлди. Карнай-сурнай, ногора чалинди, ош тортилди...

Орифхўжа корхонаси ташки алоқаларни мустаҳкамлади.

Дарахт бир жойда кўкаради деганларидай, Толиб ака ҳам умр бўйи шу корхонада ишлади. Ҳалол меҳнати билан уйли-жойли, бола-чакали бўлди. Кечроқ уйланган бўлса-да, серферзанд бўлди. Тошбиби ая билан ахил-тотув яшади. Аста-секин унинг ёнига Ориф, Қаюм, Райим, Самиг, Ҳамидуллолар қўшилди. Ота изидан борган ўғиллар кам бўлмадилар. Ориф 1939 йилда гўшт комбинати ҳузурига ташкил этилган хунар ўрганувчилар гуруҳига бошчилик қила бошлади. Қаюм, Самиглар ўз соҳасининг моҳир мутахассиси бўлиб етишдилар.

1931 йилда Толиб Тошмуҳаммад ўғли ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Меҳнат фаолиятига 40 йил тўлиши, фидокорона меҳнати, ғайратли фарзандларни тарбиялагани учун у меҳнат қаҳрамони бўлди. Толиб ота талтайиб кетмади. Унвону амал — инсон учун синов. Толиб

уйингни, мол-ҳўлингни тортиб оламиз дея тихирлик қилишмади.

Толиб ота ўғиллари билан ёзни ёз, кишни киш демай Бешёғочга ҳар кун қатнайди. Замон нотинч. Халқ душмани, қатаргон деган гаплар чикди. Қушхонада ҳам гала-говур, нотинчлик бошланди. Мискин домла оғир хасталикка йўлиқпти. Жулқунбой отилипти. «Ўткан кулар»ни ўқиганлар халқ душмани бўларкан, деган гаплар оралаб қолди. Толиб ота ўзи билан ўзи бўлди: Ориф, Қаюмни уйландирди. Райимни тирноққа зор синглисига ўғил қилиб берди. Ҳам корхонада, ҳам шахсий боғида тинимсиз меҳнат қилди. У олтишдан ошиб нафақага чикди.

Лоп этиб уруш бошланибди, иккинчи жаҳон уруши олови ёқилипти деган гап чикди. 1939 йилда Ориф 33, Қаюм 29, Райим 26, Самиг 22, Мажид 19, Ҳамидулла 17 ёшда, ҳаммаси аскар ёшида. Биринчи бўлиб ўт-олов Самиг урушга отланди. Финляндия билан бўлган урушда тўлиқ қатнашди. Ориф, Қаюм, Райим, Мажид фашистлар билан уруш бошланиши билан фронтга кетишди. Ҳамидулла ҳам кетиш тадоригини кўра бошлади. Уруш — она-юртдан узоқ-узоқларга кетиш, ўлимга бетма-бет бўлиш, жароҳатланиш, Худо кўрсатмасин, ҳалок бўлиш. Кўпчилик урушга бормасди. Толиб ота, баобўр одам эмасми, ялиниб-ёлвориб икки-учта ўғлини урушдан олиб қолиши мумкин эди. У ҳамма ўғилларини оқ фотиҳа бериб урушга жўнатди, Худонинг паноҳига топширди. Ўғилларига билдирмадию, ичи узилиб қолди. Уйга сиймай қолди. Қадорон корхонасига қайтди. Иш билан овунди, меҳнатдан аламини олди. Қутгани бир парча хат, тикилгани Кенжавой ўғли неваралари бўлиб қолди.

Қирк йил киргин бўлса, ажали етган ўлада деб бежиз айтилмаган экан. Толиб ота, Тошбиби онанинг Худога маъқул томонлари мўл-қўл эканди, олти ўғил ота-она бағрига қайтди. Толиб ота қорондига урушининг доғи — қора хат кирмади. Тўғри, Орифнинг оёғи қаттиқ шикастланган, Ҳамидулланинг мия ча-

фаларда ишлади. Ҳозир Самиг ота Толибнинг 87 ёшида. Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалласида яшайди.

Толиб ота 1961 йилда, 88 ёшда бандаликни бажо келтирди. Етти оғанин оталари ёқиб кетган чироқни ўчирмадилар. Аналарини бошларига кўтардилар, ўғил-қизларини воёга етказиб бошладилар. 80-йилларга келиб набаралар болболари, оталаридан қолган оилавий удумларни давом эттира бошладилар. Бу пайтда Ориф, Қаюм, Райимлар вафот этган эдилар. Ориф отанинг тўнғич ўғли Акбар бобоси, отаси касбини олди. 17-18 ёшларида чапдаст саллоқ бўлди. Кейинчалик Акбар, унинг укаси Асқар савдо соҳасида хизмат қила бошладилар.

Самиг ота, Ҳамидулла ота, Кенжавой хожи оталар ҳамон жиянларини ўз фарзандларидай кўрадилар, улардан жўяли насихатларини аямайдилар. Бу орада Ҳамидулла отанинг ўғиллари Нейматулла ва Абдусаммад олий ўқув юртини тугатдилар. Бирини фан номзоди бўлди, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида. Абдусаммад ёшлигидан тиббийётга қизиқарди. У ҳозир Чилонзордаги тиш касалликлари полиликниқасида етакчи мутахассис бўлиб ишляпти. Кенжавой отанинг серферзанд оиласидан Баҳодир, Фазилдинлар яхши хулқлари, одамхўнликлари, саранжом-саршатиқликлари билан маҳалла-кўйга танилиб қолдилар.

Ҳозир Толиповлар сулоласининг тўртинчи авлоди етилди. Акбар, Асқар, Наби, Нейматулла, Абдусаммад, Баҳодирларнинг ўғил-қизлари сафга кириб қолишди. Адахам, Акмал, Акбар ўғиллари, Орифжон Абдусаммад ўғиллари катта болболаридай элга-юртга ҳалол хизмат қиляптилар, мўким бир касб бошини қаттиқ тутишга интиломқодалар.

Толиб ота, Тошбиби онанинг зурриёдлари бўлиш бола-чака, невараче-вара, келин-кеваларни жамласа, ростмана бир маҳалла бўлади. «Ўзингдан кўпайгин, ёққан чироғин ўчмасин», дегани шу бўлса керак-да!

**Абдуғафур РАСУЛОВ**



**Спорт**

**ПОЙТАХТ  
ЖАМОАЛАРИ-  
НИНГ ҒАЛАБАСИ**

Жума куни «Трактор» — «Насаф» жамоалари ўрта-синдаги учрашув билан Ўзбекистон Кубогининг 1/8 финал баҳсларига старт берилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилги чемпионатда ўтган йилдагига қараганда анча муваффақиятли қатнашаётган «Трактор» қашқадарёлик чарм тўп усталарига қарши ҳужумкор ўйин курсатиб ажойиб ғалабани қўлга киритди. Меҳмонлар дарвозаси томон уюштирилган кетма-кет хавфли ҳужумлар, чиройли комбинациялар ўз самарасини бериб, учрашув 4:0 ҳисобида пойтахтликларнинг ғалабаси билан аяунланди. Мухлисларга қувончли дақиқаларни ҳаётиятан голларни рақиб дарвозасига Муминжонов, Раҳимов, Соломин (2 та) йўллашга муваффақ бўлишди.

Бухорода «Вобекан» жамоаси билан куч синашган «Пахтакор» футболчиларига майдон эгаларини энгши қийин кечмади. Пойтахтликларнинг ёш, умидли футболчиси Ваҳобов (2 та) ва Кошелев томонидан мезбонлар дарвозасига йўлланган голлар «Пахтакор»га 3:0 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди.

Колган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Шайхонтоҳур» — «Машъал» — 0:4, «Хисор» — «Нефтчи» — 1:5, «Гулистон» — «Бухоро» — 1:2, «Пахтакор» — «Қизилқум» — 3:5, «Локомотив» — «Андижон» — 3:0.

Ўн бешинчи май куни ўтадиган «Цементчи» — «Сўғдиёна» баҳси билан Кубок беллашувининг нимчорак финали ниҳоясига етади.

Маданият ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси раёсат аъзоси, ОТАЖ «Ўзбекфильм» қасаба уюшма кўмитаси раиси Улуғбек Саидовчи Алиевга волидаи мухтарамаси

**Мухаррам АЛИЕВА** ва акиси **Бахтиёр АЛИЕВ**нинг вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Чилонзор туман ҳокими ижроия маҳкамаси туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ҳамза Аминович Халмуратовга акиси

**Курбон Абенович ХАЛМУРАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Чилонзор туман маданият ишлари бўлими туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ҳамза Аминович Халмуратовга акиси

**Курбон Абенович ХАЛМУРАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

**Матновлар**

**КУРРАМИЗДАГИ  
ТИНЧЛИК ЖИЛОЛАРИ**

Тошкент шаҳар кўшимча таълим марказида «Ер куррасида тинчлик» кўрик-танловининг шаҳар bosқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида юртимизнинг иқтидорли ва қобилиятли ёшларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тасвирий санъатга бўлган ижодий интилишларини кучайтириш мақсадида уюштирилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Меҳрибонлик уйлари тарбия-



ланувчилари орасида ўтказилган «Камалак жилоси» танловининг манتيкий давоми сифатида умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг расмлари намойиш этилди. Шаҳар bosқичида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болажонларнинг ранг-баранг жилоларда тинчлик, барқарорлик, фаровонлик мавзулари мужассамлашганлиги, Куррамизнинг порлоқ келажagini жажжи вуждлари билан тасвирлаганликларининг гувоҳи бўламиз. Таъкидлаш жоизки, кўргазмада барча туманлардан келган 300 дан ортиқ болажонларнинг расмлари намойиш қилинди.

Кўрик-танловнинг очилишида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова сўзга чиқиб, қатнашчиларнинг ақсарияти ўз расмларида оила, ватан, мактаб ҳаётини катта маҳорат билан тасвирлашгани, тасвирларда келажак авлодининг пок ва беғубор орзу-умидлари намойиш бўлганлигини алоҳида таъкидлади.



Халқаро болалар кўнига бағишланган «Ер куррамизда тинчлик» шаҳар кўрик-танловида тақдим этилган расмлар орасидан ҳайбат аъзолари томонидан энг саралари танлаб олинди ва улар республика bosқичига тавсия этилди. Кўрик-танлов ғолибларига «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан қимматбахо эсдалик совғалари топширилди.

Ғолиб ўқувчилардан бўлмиш 100-мактаб ўқувчиси Лобар Маннопова, 326-мактаб ўқувчиси Абдулла Сайфуддинов, Рая Рустамова, Азамат Абдузимов сингари иқтидорли ёшларимизга Ватанимиз тинчлиги йўлида бунданда юксак муваффақиятларни тилаб қоламиз.

**Юлдаш УСМОН**  
СУРАТЛАРДА: танлов иштирокчилари чизган расмлардан намуналар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

**Спорт**

**КОЛЛЕЖДА ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА**

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишларидан бирида Юртбошимиз шу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳусусида сўз юритар эканлар, «Спорт билан шуғулланидиган ҳар қандай инсон ўзини яхши куради, ўзини ҳурмат қилади. Бошқача айтганда, ўзини яхши курайдиган одам спорт билан шуғулланади, фарзандларини ҳам спортга жалб этади. Буни қўллаб-қувватлашимиз, аҳоли орасида спорт маданиятини юксалтиришга эришишимиз керак», дея алоҳида таъкидлагандилар. Шуниси қувонарлики, айни пайтда жойларда бу борада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги ўқув муассасаларида бу борада олиб борилаётган ишлар асосида, таҳсинга лойиқ. Қуни кеча Сергели санонат касб-хунар коллежида «Отам, онам ва мен» спортчилар оиласи мусобақаси ўтказилди. Эътиборлиси, унда нафақат коллеж ўқувчилари, балки, уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этдилар. Мусобақа қатнашчилари қолда югуриш, баскетбол тўпини олиб юриш, кўз боғланган ҳолда кўзиқорин териш сингари бири-бирдан қизиқарли шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

— Коллежимизда айни кунларда 557 нафар ўқувчи таҳсил олмақда, — дейди ўқув маскани директори Давлат Самутов. — Бу мусобақани ўтказишдан асосий мақсад спортни оилада ҳам татбиқ қилишдир. Қатнашчиларимиз коллежимизда дарс берувчи катта усталар бўлиб, уларнинг фарзандлари шу ерда таҳсил олишади.

— Менга оилам билан оилавий мусобақада қатнашишни таклиф қилишганда ўзимни ноқулай ҳис қилганим,

— дейди коллежнинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Мухтор Айтхужаев. — Аммо тайёргарликлар давомида бу нарса ўринсиз эканлигини тушундим. Қизим Шаҳноза ҳам мана шу коллежда таҳсил олиб волейболга жуда қизиқгани, ўзимнинг футбол жонидилим эканлиги мусобақа шартларига тайёргарлик кўришимизда анча енгиллик яратди. Оиланг билан мусобақада қатнашиш жуда қизиқарли экан, чунки мусобақада жамоанг эмас, оиланг қатнашапти. Бу нарса кишига ўзгача масъулият юқлайди.

Дарҳақиқат, мусобақа қизиқарли тарзда ўтказилиб, коллежнинг ўқувчилари ўзларининг бадийий чиқишлари билан томошабинларни хушнуд эттишди. Спортнинг оммавийлигини оширишга хизмат қилувчи мазкур мусобақа сўнгида қатнашчиларга коллеж маъмурияти, «Камалот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими томонидан таъсис эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳло ҲОШИМОВА

**ОЛАМ  
АЖОЙИБОТЛАРИ**

Париж — француз ҳайдовчилари орасида рунда пайтлугида уяли алоқа телефониди узоқ гаплашаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Буни йўлдаги фалокатларнинг олдини олиш бўйича Франция Давлат кўмитаси ўтказган сўров натижалари ҳам аниқ кўрсатди. Сўров натижаларига кўра, 1999 йилда рунда уяли телефон орқали гаплашиб, авария содир этганлар 19 %ни ташкил қилган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 23 % га өтган.

● Экспертларни энг хавотирга солаётган нарса шуки, бу уяли алоқа воситасидан фойдаланувчи хаваскорлар, машинада гаплашиш улар ҳаёти учун нақадар хавфли эканлигини ўзлари ҳам тан олишмаётганлигидир.

● Гон-Конг — Хитой Халқ Республикасида мавжуд бўлган ва хозирда ҳам байрам қилинаётган кун — оилада қақалок дунёга келган кун анги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хитойлик жамиятшуносларнинг таҳминларига кўра, хозирда туғилаётган болакайлар ёлғиз фарзанд бўлгани учун эркатой, араачи, худбин ва шу билан бирга, қайсар бўлиб улғаймоқдалар. Эркатойлар ўзларидан қатталарга нисбатан ҳурмат ва меъёр қонуларини четлаб ўтишдан ҳам тойишмапти.

● Техрон — Эрондан шимоли-ғарбда жойлашган Сардаш-тдаги Халви кишлоғида яшовчи Марям Муҳаммад Пур исмли аёл 130 ёшга тўлди. Шу ёшида ҳам у ўзини яхши ҳис қилиб, ҳужалик ишлари билан шуғулланмоқда. Унинг 2 фарзанди, 7 невараси, 36 эвара ва 11 та чевараси бор. Марям бирор кайи-нингиза ўзининг қариллигини сезганлигини айтди. Тоза ҳаво ва томорқасидаги ўзи етиштирган махсулотлар унинг узоқ умр кўришига ёрдам берганини ҳам таъкидлаб ўтди.

● Дубай — Эндликда саудиялик аёллар хавфсизлик идораларида ишлаш бошлайдилар деб Саудиянинг ички ишлар вазирини шаҳзода Наиф ибн Абдул Азиз Ал Эълон қилди. Хозирда аёлларни ишга олиш бўйича сўровнома ўтказилмоқда. Ишга жалб қилинган аёллар кузатиш ва текширув юмушлари билан банд бўладилар.

Улуғой ДОЛИЕВА

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР**

**«Тошшаҳаргазтаъминот» ҲТК га қарашли  
автомобиль транспортларига берилган  
қуйидаги лицензиялар йўқолганлиги сабабли**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

АТ 0007420 га берилган АТ №0310328	АТ 0007422 га берилган АТ №0310361
АТ №0310329	АТ 0007423 га берилган АТ №0310383
АТ №0310330	АТ №0310388
АТ №0310340АТ №0310347	АТ 0007424 га берилган АТ №0310398 АТ №0310311
АТ 0007421 га берилган АТ №0310313 АТ №0310317	

**«MANDUM BIZNES-MARKAZ»**

шу ном билан чет эл сармоясини иштирокидаги масъулият чекланган жамиятга айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вориси бўлади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг  
«Сувсоз» Трестига доимий  
ишлаш учун трест бош  
энергетики бўлими бошлиғи  
ўринбосари вазифасига  
мутахассислик бўйича иш  
тажрибасига эга бўлган  
муҳандис-энергетик керак.**

**Маълумот учун телефон:  
152-19-47**

**«MOVJUDA MIRAZIZ» хусусий фирмаси** шу номдаги масъулият чекланган жамиятга айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вориси бўлади.



**Бош муҳаррир  
Акmal АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет услуди босилади.  
4273 нусхади босилив. Қотти биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича тўзур жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефониди мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбоси акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.